



Ўзбекистон Республикаси номидан
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Шахрисабз шаҳри

2022 йил 27 сентябр

4-1802-2201/███-сонли иш

Шахрисабз туманлараро иқтисодий суди, судья Ж.Ачиловнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ф.Муртазаевнинг котиблигида, Қашқадарё вилояти давлат солиқ бошқармасининг █████ хусусий корхонасига нисбатан берган аризаси асосида қўзғатилган 4-1802-2201/███ сонли иқтисодий ишни, ариза вакили – █████ (2022 йил 27 сентябрдаги ишончнома) иштирокида, Китоб туман Давлат солиқ инспекцияси биносида ўтказилган сайёр очиқ суд мажлиси муҳокамасида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Қашқадарё вилояти давлат солиқ бошқармаси (матнда ариза вакили деб юритилади), █████ хусусий корхонаси (матнда жавобгар деб юритилади)га нисбатан судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар томонидан 2022 йил июл ойи учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда солиқ органига тақдим этмаганлигини, белгиланган муддатларда солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб турилиши тўғрисида унинг шахсий кабинетига хабарнома юборилган бўлсада, ҳисобот тақдим этилмаганлигини билдириб, жавобгарнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмади.

Ариза вакили аризани қаноатлантиришни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 170-моддаси учинчи қисмига кўра, иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаса, низо унинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Судга ариза вакили жавобгар томонидан солиқ ҳисоботи тақдим этилмаганлиги тўғрисида электрон маълумотнома тақдим қилган.

Суд ишдаги ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо берган ҳолда қуйидагиларга кўра аризани қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Ишдаги ҳужжатларга кўра жавобгар томонидан 2022 йил июл ойи учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда солиқ органига тақдим этилмаган.

Ариза вакили томонидан жавобгар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига назарда тутилган муддатларда солиқ ҳисоботини тақдим этиши лозимлиги тўғрисида шахсий кабинети орқали электрон шаклда огоҳлантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 82-моддасига кўра, солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади.

Аризачининг солиқ тўловчини банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни татиб туриш тўғрисидаги қарори билан жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар ўн кундан кўп бўлмаган муддатга тўхтатилган.



Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддасига кўра, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин.

Суд мажлиси кунига қадар солиқ органига белгиланган шаклда жавобгар солиқ ҳисоботини тақдим этилмаганлиги тўғрисида аризачи вакили томонидан маълумот судга тақдим этилган.

Бундай ҳолатда суд аризани қаноатлантиришни, жавобгар [REDACTED] хусусий корхонасининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни 2022 йил июл ойи учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этгунга қадар ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-186, 222-моддаларига асосланиб, суд-

Қ А Р О Р К И Л Д И:

Ариза қаноатлантирилсин.

Жавобгар [REDACTED] хусусий корхонасининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операциялари 2022 йил июл ойи учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботини солиқ органига тақдим этгунга қадар ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб турилсин.

Жавобгар [REDACTED] хусусий корхонасининг барча банкдаги ҳисоб рақамлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйишга сабаб бўлган ҳолатлар тўлиқ бартараф этилгандан сўнг аризачи томонидан тақдим этилган ёзма кўрсатма (қарор)га асосан ҳисобварақлар бўйича операциялар тиклансин.

Ҳал қилув қарори нусхаси тарафларга юборилсин.

Ҳал қилув қароридан норози бўлган томонлар ўн кун муддат ичида шу суд орқали Қашқадарё вилоят судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят қилиши (протест келтириши) мумкин.

Судья

Ж.Ачилов

